

Тазкия дарслари (71-дарс). Хушуъли қалб тузук, хушуъсиз қалб бузуқдир



16:05 / 08.02.2020 5332

Намознинг фарз, вожиб ва суннатлари борлиги маълум. Шунингдек, намознинг руҳи ҳам бўлиб, у ният, ихлос, хушуъ ва қалб ҳозирлигидан иборат.

Аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, хушуъ қўрқув билан сукунатнинг бирга қўшилганидир.

Намознинг ҳаёти ва ички одобларидан бири хушуъдир. Айнан хушуъ орқали намоз ички покланиш омилига айланади. Хушуъли намозгина қалбни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга хизмат қилади.

«لَوْأَنَّ أَقْلَامَ مَلَائِكَةٍ لَّوَصَّوْا لِمَا لَوْسَرْنَا أَهْنَعُ لِمَا يَصْرَفُونَ» وَأَنْبَاءُ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ: «عُوشُخُ لِمَا لَوْسَرْنَا».

Шаддод ибн Авс розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам:

«Ердан энг аввал кўтариладиган нарса хушуъдир», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Хушуъ илм бўлиши билан бирга, нажот топувчиларнинг аломати ҳамдир.

Аллоҳ таоло Муъминун сурасида марҳамат қилади:

﴿۲﴾ خَشِعُونَ صَلَاتِهِمْ فِي هُمْ الَّذِينَ ﴿۱﴾ الْمُؤْمِنُونَ أَفَلَحَ قَدَّ

«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар намозларида хушуъ қилувчилардир» (1-2-оятлар).

Маълумки, хушуъ қалбга оид амалдир. Хушуъли қалб тузук, хушуъсиз қалб бузуқдир. Қалбнинг бузуқлиги ва тузуклигига қараб инсоннинг ўзининг бузуқ ёки тузуклиги белгиланади.

لَا ق م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ل ص ي ب ن ل ل ا ن ع ، ا ه ن ع ه ل ل ا ي ض ر ر ي ش ب ن ب ن ا م ع ن ل ل ا ن ع
د س ج ل ا د س ف ا د و ، ه ل ك د س ج ل ا ح ل ص ا ح ل ا ، ع ع ض م د س ج ل ا ي ف ن ا و ا ل ا
ة س م ج ل ا ه ا و ر . « ب ل ق ل ل ا ي و ا ل ا ، ه ل ك

Нўъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллалллоху алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингким! Албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур. Огоҳ бўлингким! Ўша нарса қалбдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

ل ل ص ه ل ل ل ل ل و س ر ر ت ع م س ي ن ا د ه ش ا : ل ا ق ا ه ن ع ه ل ل ا ي ض ر ر ت م ا ص ل ل ا ن ب ا د ا ب ع ن ع
، ن ه و و ض و ن س ح ا ن م ، ل ج و ز ع ه ل ل ا ن ه و ض ر ت ف ا ت ا و ل ص س م خ « : ل و ق ي م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا
ن م و ، ه ل ر ف ع ي ن ا د ه ع ه ل ل ا ل ا ع ه ل ن ا ك ، ن ه ع و ش ح و ن ه ع و ك ر م ت ا و ، ن ه ت ق و ل ن ه ا ل ص و
د و ا د و ب ا ه ا و ر . « ه ب د ع ا ع ا ش ن ا و ه ل ر ف ع ا ع ا ش ن ا ، د ه ع ه ل ل ا ل ا ع ه ل س ي ل ف ل ع ف ي م ل
ي ئ ا س ن ل ل ا و

Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Гувоҳлик бераманки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ азва ва жалла беш вақт намозни фарз қилди. Ким таҳоратни яхшилаб олса ва уларни ўз вақтида ўқиса, рукуъ ва хушуъни батамом қилса, Аллоҳнинг зиммасида уни мағфират қилиш аҳди бўлур. Ким (бундай) қилмаса, унга Аллоҳнинг зиммасида аҳд бўлмайди. Хоҳласа мағфират қилади, хоҳласа азоблайди».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَ بِهِ لَوْلَا لَوْ سَرُّتِي أَرْتِي لَأَقَاهُ نَعْمَ لَوْلَا يَضْرِبُ بِي نَعْمَ فَرَطُمُ نَعْمَ
نَنْسَلُ أَبْأَحْصَاءَ هَؤُورَاءَ كَبَلًا مِنْ جَرْمَلٍ وَأَوْ حَرَّلَا زِي زَاكُ زِي زَاكُ هَزْدَصَ يَفَوَّي لَصِي

Мутарриф отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиётганларини кўрдим. Кўксиларидаги йиғидан тегирмоннинг ёки қозоннинг овозига ўхшаш овоз чиқиб турар эди».

«Сунан» соҳиблари ривоят қилишган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам энг аъло намозхон бўлиб, намоз ўқишни бошқаларга таълим берганлар. Намоз нималигини ҳаммадан яхши англаб етганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, хушуъ ва хузуъсини жойига қўйиб ўқиганлар.

Бу ривоятдан кўриниб турибдики, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, Аллоҳдан кўрқиб йиғлар эдилар, кўксиларидан тегирмон ёки қозоннинг қайнашига ўхшаш овоз эшитилиб турар экан.

У кишининг умматлари ичида ҳам хушуъ-хузуъни жойига қўядиганлари кўп бўлган.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу намоз ўқиса, хушуъдан қотган таёққа ўхшаб қолар эди. Сажда қилганида чумчуқлар уни девор ҳисоблаб, устига қўнар эди. Бир куни Каъбанинг Ҳатийм тарафида намоз ўқиётганида тош тушиб, кийимининг бир томонини узиб кетганини ҳам сезмаган.

Маймун ибн Меҳрон розияллоҳу анҳу айтади: «Муслим ибн Ясорни намозда у ёқ-бу ёққа қараганини ҳеч кўрмадим. Бир куни у масжидда намоз ўқиётганида масжиднинг бир томони ағдарилиб, бозордаги одамларнинг ҳаммаси қочиб кетган, аммо у ҳеч нарсани сезмай, намозини ўқийверган».

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг оёғига қорасон касали тушди. Табиблар оёқни сонидан кесиб ташланмаса, дард бутун танага тарқаб, ҳалокатга олиб келади деган қарорга келишди. Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳу: «Ундай бўлса, кесиб ташланглар», деди.

Табиблар: «Бунинг учун сизга банж беришимиз керак», дейишди.

У киши: «Банж ҳаром, уни истеъмол қилмайман», деди.

Табиблар: «Ундай бўлса, оёқни кесиб ташлашнинг иложи йўқ», дейишди.

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳу: «Иложи бор. Сиз асбобларингизни тайёрланг. Мен намоз ўқийман. Бир маромга етиб, баданим титрай бошлаганида билганингизни қилаверинг, ҳеч нарса бўлмайди», деди.

Кейин у киши намозга турди. Бадани титрай бошлади. Табиблар ўша даврнинг услуби ила қорасон тушган оёқни сонидан кесишди. Сўнгра кесилган сонни қайнаб турган ёққа солиб, оқаётган қонни тўхтатганларида Урва розияллоҳу анҳу намозни тугатиб, ҳушидан кетди.

«Руҳий тарбия» китобидан